

Академик лицей таълим-тарбия жараёнларини узлуксиз ахборотлаштириш имкониятлари

**Н.М.ГАФУРОВА,
ТДПУ аспиранти**

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу жараёнларга замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бу масалада "... бугун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган Интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим"лигини таъкидлайди¹.

Республикамызда янги турдаги таълим муассасалари – академик лицей (АЛ) ва касб-ҳунар коллежлари (КХК) ташкил топди. Уларнинг моддий-техник базаси замон талаблари даражасида таъминланди, яъни замонавий ўқув бинолари қурилиб, ўқув ускуналари ва замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланди. Энди асосий вазифа таълим мазмунига эътибор қаратиш, АЛ ўқитувчиларининг бугунги замон талабларига мос равишда замонавий ахборот - коммуникация воситалари ҳамда электрон ишланмалар асосида дарсларни ташкиллаштириш бўйича билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

Бизнингча, бугунги кунда ўқитувчи тайёр электрон ресурслар асосида дарсларни ўтиш билан чегараланмасдан, балки таълимий ресурсларни яратувчи ҳамда уни амалда қўлловчи, ўқитишнинг замонавий технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, фан ва унинг таркибига кирувчи билимлар мазмунини талабаларга етказиш малакасига эга шахс сифатида фаолият олиб бориши лозим. Академик лицейлар фаолиятини ахборотлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг таҳлили ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган касбий фаолият олиб боришга таъсир кўрсатаётган қатор омиллар мавжудлигини кўрсатди. Булар:

- педагогларнинг мунтазам ўз устида ишлаши, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини, шунингдек, мазкур жараёнга йўналтирувчи мотивларни шакллантиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқишнинг зарурати;

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

- фан-техника ва технология тараққиётининг бугунги даражаси билан таълим мазмуни ва сифатини таъминлаш жараёни орасидаги номувофиқликнинг мавжудлиги;

- академик лицейларнинг электрон ахборот-таълим муҳити ва интеграллашган ўқув-илмий ресурсларининг етарлича яратилмаганлиги;

- академик лицейларда таълим жараёнини ахборотлаштириш борасида тўпланган илғор тажрибаларнинг амалиётга етарлича жорий этилмаганлигидир.

Бугунги кунда академик лицей ўқитувчилари замонавий ахборот технологиялари воситалари асосида таълим-тарбия мақсадларига эришиш йўлида дидактик вазифаларни бажаришлари учун талаб этиладиган қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва намойиш қилиш таъминотларини билиш;

- компьютер ва коммуникация воситалари, уларнинг характеристикаларини билиш;

- таълим жараёни ва илмий изланишларида Интернетдан фойдаланиш;

- таълим жараёнида компьютер ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш методологиясини билиш;

- дастурий таъминотнинг асосий турларини билиш ва улардан фойдаланиш;

- фанлардан махсус тақдимотлар ва электрон ресурслар тайёрлаш воситаларидан фойдаланиш;

- таълим жараёнида амалий масалаларни ечишда ахборот технологияларини қўллаш;

- масофавий таълим электрон ўқув-методик базасини яратиш ва ундан фойдаланиш.

Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш – педагогик-психологик мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни назарда тутати.

Ўқув жараёнини ахборотлаштириш вазифаларидан келиб чиқиб, Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицейда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Авваломбор, лицей ўқитувчилари учун «Замонавий ахборот технологиялари» махсус малака ошириш курси ташкил этилиб, уларнинг замонавий ахборот технологиялари бўйича билим ва малакалари оширилди. Ушбу қисқа муддатли малака ошириш курси якунида лицей ўқитувчилари электрон мультимедиа дарслиги, электрон нусха, электрон энциклопедия, электрон тақдимот асосида дарсларни ташкил этиш малакасига эга бўлдилар.

Олиб борилган изланишлар, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш асосида ўтказилган дарсларда ўқувчиларнинг билим даражаси, анъанавий услубият асосида ташкил этилган машғулотларга нисбатан юқори самарадорлиги билан намоён бўлади. Электрон таълим ресурслари асосида мавзуларни қайта-қайта такрорлаш орқали дарсни мустаҳкамлаш, такрорлаш

учун берилган саволларга жавоб топиш, интерфаол тестлардан фойдаланиш орқали мавзуни мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, электрон таълим ресурсларидан ва анимациялардан фойдаланиш асосида дарсни ташкил этиш жараёнида дарснинг сценарийсини аввалдан ишлаб чиқиш, ҳар бир воситадан ўз ўрнида самарали фойдаланиш, технологияларни дарснинг самарали ўтишини кафолатловчи восита сифатида жорий этиш, бунда ўқитувчининг ролини камайтирмаган ҳолда, унинг имкониятларини ошириш каби долзарб масалалар намоён бўлди. Шунингдек, дарсга ажратилган вақт мобайнида ўқувчи янги мавзуни ўзлаштириши ва мустаҳкамлашга улгуришига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Шу ўринда, таълим муассасасида электрон ахборот-таълим базасини шакллантиришда ўқув ресурслари билан бир қаторда тарбиявий ресурсларнинг яратилиши ҳам муҳим саналади. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий-тарихий анъаналари, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларнинг ишлаб чиқилишига ва амалиётга жорий этилишига замин яратади.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларга йўналтирилганлик тамойилини амалга оширишда ўқитувчи томонидан ўқувчиларда маълум билим, кўникма ва малакаларни шакллантираётиб, аниқ бир мавзу бўйича дарснинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини назорат қилишнинг асосий мақсади улар эришган ютуқ ва муваффақиятларни аниқлаш, уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиш ва шу асосда улар учун фаол ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад, биринчи навбатда, талабалар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш даражаси билан боғлиқ. Иккинчи томондан, назоратнинг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни ўрганиш ҳамда ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлиқ. Учинчидан, бу мақсад ўқувчиларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади. Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш самарадорликни кафолатлаши мумкин.

Академик лицейда шакллантирилган электрон ахборот-таълим ва бошқарув ресурсларининг яратилиши таълим самарадорлигини оширишга, ўқув-тарбиявий жараёнларни бошқаришни тизимлаштиришга, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасини таҳлил қилиш ва педагогик ташхис методлари амалиётини таъминлашга хизмат қилади. Олиб борилган тадқиқотлар академик лицейнинг электрон ахборот-таълим муҳитини яратишни ва уни бошқаришни тизимли ёндашув асосида олиб бориш зарурлигини кўрсатди. Ушбу ёндашувнинг дастлабки босқичида

замонавий таълим мазмунига мос равишда академик лицей ахборот-таълим муҳити мақсади белгиланади. Педагогик фаолиятда таълим-тарбия мақсади тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим-тарбия мазмуни, мақсади, ташкилий шакллари танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.